

АМУДАРЁ ҲОЗИРГИ ДЕЛЬТАСИНИНГ РЕЛЬЕФ СТРУКТУРАСИ ВА МЕЛИОРАТИВ ТАДБИРЛАР

Иброимов Шерзод Иброим ўғли

Чирчиқ Давлат педагогика институти

Табиий фанлар факультети

География кафедраси ўқитувчиси

***Аннотация:** мақолада рельеф пластикаси усулининг амалда қўлланилиши дельта ер юзининг фазовий тартиблигини ўрганиши, ҳавзавий концепция асосчилари, ўрганишдаги кетма-кетлик, ҳавзавий концепцияга ўз ҳиссасини қўшган олимлар ўрганиш давлари, Амударёнинг ҳозирги дельтасининг рельеф структураси ва мелиоратив тадбирларни амалга ошириши ёритилган.*

***Калит сўзлар:** дарахтсимон, структура, дельта, шохланувчи, чўзилувчан, ландшафт, компонент, мелиоратор, экология.*

RELIEF STRUCTURE AND RECLAMATION MEASURES OF THE CURRENT AMUDARYA DELTA

Ibroimov Sherzod Ibroim oglu

Chirchik State Pedagogical Institute

Faculty of Natural Sciences

Teacher of the Department of Geography

***Abstract:** The article describes the practical application of the method of relief plasticity in the study of the spatial order of the delta, the founders of the basin concept, the sequence of studies, the periods of study of scientists who*

contributed to the basin concept, the relief structure of the current Amudarya and land reclamation.

Key words: *tree, structure, delta, branching, elongation, landscape, component, reclamation, ecology.*

Рельеф пластикаси усулининг амалда қўлланилиши дельта ер юзининг фазовий тартиблигини ўрганиш учун маълум бир шарт-шароитлар ярата олади. Дельтанинг фазовий тартиблиги бир канча мезонни талаб қилади, яъни кичик дельталар маълум бутунликни ташкил этувчи катта дельтанинг (Амударёнинг бир қисми хиобланади. Агар биз ҳар қандай кичик дельтани геотизим деб карасак, у ўзининг бошланғич нуктасига, ўрта ва қуйи қисмларига эгадир. Бу қисмлар биргаликда “дарахтсимон” шаклга эга бўлган яхлит бутунликни ҳосил қилади. Амударё ҳозиги дельтасининг бошланғич нуктаси Тахиотош шаҳри ёнида жойлашган бўлса, дельтанинг қуйи қисми эса Орол денгизи сувининг қирғоқларида тугайди. Эркиндарё кичик дельтасининг бошланғич нуктаси Парлитау қишлоғи атрофида, ўрта қисми эса Кусканатау ва Иткир қирларининг ўрталарида жойлашгандир. Ягона тизимнинг қисмлари бир-бири билан ўзларининг ички тузилиши, яъни таркалиш нуктасида жойлашган икки оқим ўртасидаги бурчаклар билан фарқ қилади.

Дельтанинг яхлитлигини ёки бутунлигини ўрганаётган пайтда унинг структурасини, яъни ички тузилишини ўрганиш жуда муҳимдир. Структура деганда биз тизимдаги элементларнинг бир-бирига бўлган ўзаро муносабати ва алоқадорлигини тушунамиз, яъни бу ерда элемент тушунчаси асосий ролни уйнайди. Академик Б.Б.Полинов элементлар ландшафт деганда маълум бир жойда, яъни маълум бир элементар ландшафт гуруҳида бир тупроқ тури учрашини тушунган. Бошқача сўз билан айтганда, тупроқ тури тўғридан-тўғри рельеф элементи билан боғлангандир.

Структурани аниқлаш ўз навбатида геометрик қонунлар тўғрисидаги билимни талаб қилади. Бу жараён ҳаммамизга тушунарлидир. Нима деганда ҳар қандай илмий билиш конкретдан, мавжуд бўлган нарсадан умумийликка, абстрактга қараб ҳаракат қилади. Масалан, ландшафт қобиғидан (ҳақиқатда мавжуд) ландшафт фазосигача (асбтракт тушунча). Географ авваломбор ландшафт фазосининг структурасини (соддалашган модели) ўрганиш мумкин, яъни ландшафт қобиғининг барча мураккаблигини ўрганмайди. Шунинг учун ҳам географ жуда кўп параметрлардан воз кечади, яъни улар энг керакли параметрларни қолдиради. Ландшафт қобиғини ўрганишда геометрик шакллар, яъни элементар ландшафтларнинг табиий шаклларини тўғри чизиқлар ёки учбурчак ҳолда тасвирлаш алоҳида роль ўйнайди. Бундай шаклларни чуқур ўрганиш географияга математик усулларни татбиқ қилишни талаб қилади. Бу ўрганиш жараёни географни янада илмий, геометрик фикр юргизишга олиб келади. Мана шу асосий қонун-қоида орқали географ олимларимиз аввал ландшафтларнинг геометрик структурасини карталарда тасвирлайди, сўнг эса мана шу структуралардаги тупроқлар, нанослар ва грунт сувларининг моддий таркибларини аниқлайди. Билишнинг биринчи босқичида ландшафтларнинг моддий таркибига эътибор берилмасдан, фақатгина уларнинг геометрик шакллари тасвирланади, сўнг эса шу шаклларнинг бир-бирига бўлган алоқадорлигини, аниғини айтганда структураси ўрганилади.

В.М. Фридланд, И.Н.Степанов фикрича латидишат структураси ҳақидаги тасаввур математикадаги элементларнинг структураси тушунчасига анча яқиндир. Мана шу нуктаи назардан, Амударё ҳозирги дельтасини кичик дельталарни қамраб олувчи геотизим деб қарашимиз мумкин ва бу тизим қуйидаги хусусиятларга эгадир:

1) Амударё дельтаси геотизим сифатида элементлардан, яъни кичик дельталардан ташкил топгандир;

2) Мана шу геотизимдаги кичик дельталар ҳам ўзларининг “дарахтсимон” структурасини ҳосил қилади, лекин кичик ўлчамда;

3) Ҳар қайси кичик дельта бошланғич нуқтага, бўлиниш нуқталарига, ўрта ва қуйи қисмларга эгадир;

4) Амударё дельтасидаги моддий таркибнинг ўзгаришлари билан унинг қисмлари бўлмиш Қозоқдарё, Шўртонбой ва бошқа кичик дельталардаги ўзгаришлар ўртасида ўхшашлик мавжуддир.

Агар биз Амударё дельтасининг рельеф пластикаси картасига эътибор берадиган бўлсак, бунда биз бир неча кичик дельталарни (Эркиндарё, Қозоқдарё ва бошқалар) ажратишимиз мумкин. Хилма-хил йўналишга эга бўлган ер усти сув оқимларининг қуйи қисмлари кичик дельталарнинг чегаралари бўлиб хизмат қилади. Кичик дельталар ўз навбатида ҳосил бўлишининг бошланғич нуқтасига ва ички структурага эгадир. Кичик дельталарнинг бошланғич қисмидан қуйи қисмигача табиий-мелиоратив шароит маълум бир қонуният асосида ўзгариб боради, яъни тупроқнинг механикавий таркиби оғирлашади, грунт сувларининг минераллашув даражаси ва тупроқларнинг шўрланиши ортиб боради ва хоказо. Шунинг учун карталарда кичик дельталарни “шоҳланувчи” ҳолда кўрсатиш ва уларнинг ички структурасини табиий ҳолдагидек тасвирлаш ер усти сув оқимининг йўналишлари ҳақида, тупроқ ва грунт сувлари тузилишларининг ўзгариб боришлари ҳақида аниқ тасаввур беради.

Ўзанлараро пастликлар ва хилма-хил йўналишга эга бўлган ер ички усти сув оқимларининг туташган жойлари ўзларининг табиий-мелиоратив шароитлари билан кескин ажралиб туради. Бундай ерларда суюқ ва қаттиқ оқимлар туташганлиги сабабли тупроқлар ўта кучли шўрланган бўлади. Тупроқ копламининг геометрик шаклларини аниқлашда дельталарнинг “дарахтсимон” структураси катта роль уйнайди. Мана шу методга асосан энг мезонлардан бири бўлиб геометрик ўхшашликлар ҳисобланади, яъни объектлардаги “дарахтсимон” шаклларнинг ўхшашлигидир. Шунинг учун

тупроқ копламининг шаклларини ўрганиш муҳим бўлиб, бу эса ўз навбатида тупроқ қоплами тизимининг бир-бирига нисбатан ўхшашлигини текширишни талаб қилади.

Агар икки объектнинг геометрик шакллари бир-бирига ўхшаш бўлса, уларнинг мазмуни, яъни тупроқ, грунт сувлар, ўсимликлар, наносларнинг механикавий таркиблари ҳам бир-бирига ўхшаш бўлади. Шу объектлардан яхши ўрганиб, уни биз қишлоқ хўжалигида ўзлаштириш натижасида хилма-хил экинлар экадиган бўлсак, у ҳолда бу массивда ўзига хос географик жараёнлар содир бўлиши табиийдир. Бир неча йиллар ўтгандан сўнг биз иккинчи объектни ўзлаштирадиган бўлсак, у ҳолда биз биринчи объектни ўзлаштириш натижасида содир бўлган салбий ва ижобий натижаларни ҳисобга олишимиз мумкин ва бу эса ўз навбатида жудда кўп маблағларни тежашга ва катта ютуқларга сабаб бўла олади. Бу икки объектнинг бир-бирига айнан ўхшашлиги шундаки, уларнинг геометрик “дарахтсимон”дир.

Амударё ҳозирги дельтасининг кичик дельталари бўлмиш Шўртонбой, Қизкеткен-Чимбой ўзларининг ички тузилишлари билан бир-биридан фарқ қилади. Шўртонбой дельтаси учун асосан “чўзилувчан” тузилишга эга бўлган структура хосдир. Қизкеткен-Чимбой дельтаси учун эса “кенгайтирилган” структура хосдир. Дельталарнинг бундай шаклларга эга бўлиши, авваломбор

оқимларнинг тараққиёт босқичи ва кучлари билан боғлиқдир. Шўртонбой дельтасини ҳосил қилишда оқимлар шиддатли бўлиб, катта кучга эга бўлган бўлса, иккинчи дельтада эса “чўзилувчан” структурани ҳосил бўлиши учун оқимларнинг тезлиги ва қуввати етмаган. Буни биз “шоҳланувчи“ нуқталарда жойлашган икки оқим ўртасидаги бурчаклардан билишимиз мумкин: Шўртонбой дельтасида бурчак 20^0 - 25^0 га, Қизкеткен-Чимбой дельтасида 40^0 - 45^0 га тенгдир.

Бурчакларнинг хилма-хил бўлиши ана шу дельталардаги тупроқларнинг мелиоратив ҳолатига ҳам таъсир қилади. Шўртонбой дельтасида рельефнинг нишаблиги яхши бўлганидан зовур сувларининг оқими ҳам яхшидир. Мана шу кичик дельталарнинг мелиоратив шароитини ўрганиш натижасида биз шу дельталардаги тупроқлар, гунт сувлари ўртасида фарқ борлигини аниқлашимиз мумкин. Шўртонбой дельтасида туз баланслари ижобийдир, яъни тупроқлар асосан шўрланмаган ва кам шўрлангандир, Кизкеткен-Чимбой дельтасида эса туз баланслари салбий бўлиб, улар асосан ўртача ва кучли шўрланган.

Ҳар бир кичик дельтада табиий-мелиоратив шароитнинг маълум бир қонуният асосида ўзгариб бориши авваломбор ер усти сув оқимлари билан боғлиқдир. Дельталарнинг бошланғич қисмларида енгил механик таркибларга эга бўлган тупроқлар хукмронлик қилса, қуйи қисмларда акси бўлиб, оғир таркибга эга бўлган тупроқлар устунлик қилади. Шундай қилиб, педотизимларнинг ички тузилишини геометрик шакллар орқали ўрганиш тупроқларнинг энг асосий хусусиятларини олдиндан айтиб бериш учун асос бўла олади. Ана шунинг учун ҳам ер юзи тузилишининг структурасини рельеф пластикаси карталарида тасвирлаш, уларнинг “идеаллаштирилган” шакллари кўрсатиш ва уларни ўрганишга табиий-мелиоратив шароитни текшириш ишларида катта эътибор бериш керак бўлади.

Шуни эслатиб ўтиш керакки, рельеф пластикаси усули асосида кўрсатилган рельефнинг икки элементи бўлмиш баландлик ва пастликларни асосий контурлар деб атаيمиз. Бу контурларни асосий деб аташимизга баъзи бир мутахассислар қаршилик қиляптилар, улар асосан мелиораторлардир. Улар ўзларининг фикрини қуйидагича исбот қилишга ҳаракат қиладилар, яъни кўрик ерларни ўзлаштираётган пайтда рельеф текисланади ва ўзларининг хусусиятларини йўқотади. Аммо бизнинг тадқиқотларимиз давомида тузилган мавзули карталар шуни кўрсатадики,

ерларни текислаётган пайтда ер юзининг мезо шакллари сақланиб қолинади. Мисол учун, Эркиндарё, Шўртонбой ва бошқаларнинг ўзанлари бўйлаб жойлашган баландликлардир. Мавзули карталар тузишидан аввал рельеф пластикасини тузиш ва бу картани асос қилиб олиш бир томондан рельеф билан ландшафт компонентлари орасидаги боғлиқликни ўрганиш учун асос бўла олса, иккинчи томондан эса мелиораторлар учун асосий карта бўлиб хизмат қилади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Борсук О.А. Системный подход к анализу речных сетей //Вопр-геогр., М.: Мысл, 1975. -сб.98-с.107-113
2. Глушков В.Г. Географо-гидрологический метод // Изв. Гост. Гидрол. Ин-та.-1933.-№57-58.-С.5-9
3. Кoryтный Л.М. Речной бассейн как геосистема // Докл. Ин-та геогр. Сибир и Дальнего Востока.-1974-Вып.42 стр.33-38
4. Кoryтный Л.М. Бассейновая концепция в априродопользовании.- Иркутск: Изд-во Ин-та географии СО РАН, 2001-164 стр.
5. Кoryтный Л.М. Бассейновая концепция: от гидрологии к природопользованию // География и природные ресурсы.-2017. №2
6. Мильков Ф.Н. Парагенитические ландшафтные комплексы // Научные записки Воронежского отдела ГО ССР.- Воронеж: Изд-во Воронежского университета, 1966.- Стр. 3-7
7. Пoлынов Б.Б. Учение о ландшафтах. Избранные труда.-М.: Изд-во АН СССР, 1956.-751 стр.
8. Ретеем А.Ю. Физико-географическое районирование и выделение геосистем // Вопр. Геогр.- М.: Мысл, 1975.-Сб.98.-стр.5-27
9. Степанов И.Н. Почвенные прогнозы- М.: Наука, 1979.-84стр.

10. Уразбаев А.К. системная организация природного-мелиоративных условий современной дельты: Автореферат диссерт. На соиск. Уч. Степени док. Геогр. Наук- Ташкент.2002-48 стр.

11. Уразбаев А.К. Ўзбекистон табиий географияси (Қуйи Амударё округи) ўқув-ўқувий қўлланма Тошкент. 2021. 63 б.

12. Ходжибаев Н.Н. Естественные потоки грунтовых вод Узбекистана. Ташкент: Фан УзССР, 1970.- 174 стр.